

## АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2020 йилда халқаро ва Республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси”да белгиланган тадбирларни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 февралдаги “Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2020 йилда ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги №116-сонли буйруғида белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Самарқанд давлат чет тиллар институтида 2020 йил 15 май кунни “Замонавий лингвистик тадқиқотлар: хорижий тажриба, истиқболли изланишлар ва тилларни ўқитишнинг инновацион усуллари” мавзусида халқаро илмий-амалий анжумани онлайн тарзда ўтказилади.

**Анжуман доирасида ялпи мажлис ва қуйидаги секциялар фаолияти режалаштирилган:**

- **Германистика ва романистиканинг долзарб муаммолари**
- **Фразеология ва паремиология**
- **Замонавий қиёсий-типологик тадқиқотлар**
- **Замонавий таржимашунослик: анъаналар ва инновациялар**
- **Лингводидактика ва чет тили нутқига ўргатишнинг педагогик-психологик тамойиллари, инновацион - педагогик технологиялар ва хорижий тажрибалар**

Мақолалар: ўзбек, рус, инглиз ва немис тилларида тақдим этилиши мумкин. Анжуман иштирокчилари мақолаларида секция ва мақола мавзуси, муаллиф (фамилияси, исми, шарифи, манзили, телефон рақами ва e-mail) мақоланинг қисқача аннотацияси (камида 100 та сўз), калит сўзлар (5-6 та) ҳақида маълумот беришлари керак.

Ушбу халқаро анжуман ZOOM дастури орқали онлайн равишда ўтказилиши режалаштирилган.

***Анжуманга мақолалар қуйидаги тартибда тақдим этилиши сўралади:***

Маъруза материаллари MS WORD Times New Roman (14) шрифтида расмийлаштирилади. Қоғоз ўлчови А4 (210-297). Юқоридан 2 см, қуйидан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см жой қолдирилиши лозим. Абзац ораси 1 см ҳамда қатор орасидаги интервал 1,5 бўлиши шарт. Мавзунинг номи бош ҳарфлар билан қорайтирилиб, қоғознинг ўртасида автоматик тарзда келтириб ёзилади, кейинги қаторда ўнг бурчакда маърузачининг исми, фамилияси, илмий унвони ва иш жойи ёзилади ва телефон рақами келтирилади.

Матндаги иқтибослар квадрат қавс ичида қуйидагича ёзилади: [Элмуродов 2017:15]; адабиётлар рўйхати матн сўнигида “Адабиётлар” ёзуви остида алфавит тартибида жойлаштирилади.

Расм ва жадваллар номи ва рақами уларнинг ост қисмида берилади. Жадвал, чизма, расм ва графиклар белгиланган ўлчамдан ошиб кетмаслиги керак (жадвал ва расмлардаги шрифт 11пт ошмаслиги керак).

Маърузалар ҳажми 3-6 варақ бўлиб, қоғоз ва электрон шаклда ташкилий қўмига топширилиши лозим. Маъруза материаллари таҳрирдан ўтгандан сўнг чоп этилиши кўзда тутилган. Мақолаларда кўрсатилган фактларнинг тўғрилиги ва аниқлигига муаллиф(лар) жавобгар ҳисобланади. Мавзуга оид бўлмаган ва талабларга жавоб бермайдиган мақолаларни чоп этиш ва ўз муаллифларига қайтаришга анжуман ташкилотчилари жавобгар эмас.

Анжуман материаллари муаллифлар ҳисобидан чоп этилади: ҳар бир саҳифа учун 25 (йигирма беш) минг сўмдан, мақолалар таҳрирдан ўтгандан сўнг чоп этилади.

Анжуманда иштирок этувчилардан **2020 йилнинг 25 апрелга** қадар мақолаларни тақдим этишлари сўралади.

**Анжуман ва мақолаларга оид саволлар бўйича ташкилий қўмига мурожаат этишингиз мумкин.**

**Манзил: Самарқанд шаҳри Бўстонсарой 93, Самарқанд давлат чет тиллар институти. Немис тили ва адабиёти кафедраси**

**Телефонлар: +99897 9230653, +998906010020**

**E-mail: [kuchievmalik@gmail.com](mailto:kuchievmalik@gmail.com), телеграм учун +998933447531**

**ТАШКИЛИЙ ҚЎМИГА**